Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 9 сентябрь 1970 йил, чоршанба ◆ №210 (14.676). ◆ Баҳоси 2 тийин.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар Тодор Живков ва Георгий Трайков ўртоқларга табрикнома йўлладилар. Совет раҳбарлари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, бутун совет халқи номидан ва шахсан ўз номларидан Болгария Халқ Республикасининг раҳбарларини, улар орқали Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетини, Болгария Халқ Республикаси Халқ Мажлисининг Президиуми ва Министрлар Советини, бутун қардош болгар халқини Озодлик куни байрами билан самимий табриклайдилар.

Табрикномада уқтириб ўтиладики, халқ Болгариясининг меҳнаткашлари Болгария Коммунистик партияси раҳбарлигида ўтган 26 йил мобайнида социалистик саноатни ва қишлоқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантиришда, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларга эришдилар. Болгар халқи социалистик тузумнинг буюк афзалликлари ҳамда имкониятларини равшан намойиш қилаётган муваффақиятлари билан фахрланишга ҳақлидир.

Совет раҳбарлари КПСС билан Болгария Коммунистик партияси ўртасида, Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси халқлари ва ҳукуматлари ўртасида ҳар томонлама алоқалар мустаҳкамланаётганлиги ва ривожланаётганлигидан ғоят мамнун эканликларини изҳор қиладилар. Мамлакатларимиз ва партияларимиз ўртасидаги мустаҳкам иттифоқ ва жипслик, дейилади телеграммада, социализм билан коммунизмнинг туб манфаатларига, социалистик давлатларнинг бирлигини ва уларнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати сафларини жипслаштириш туб манфаатларига мувофиқдир.

* * *

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигин ўртоқлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва совет халқи номидан Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетини, Корея Халқ Демократик Республикаси Олий халқ Мажлиси Президиуми, Министрлар Кабинетини ва бутун корейс халқини миллий байрам — Корея Халқ Демократик Республикаси ташкил топган кунининг 22 йиллиги билан самимий табриклайдилар.

Совет раҳбарларининг Ким Ир Сен ва Цой Ен Ген ўртоқлар номига йўллаган телеграммаларида бундай дейилади: халқ ҳокимияти йилларида Корея Меҳнат партияси раҳбарлигида амалга оширилган туб социал ўзгаришлар туфайли, Корея Халқ Демократик Республикаси меҳнаткашларининг қаҳрамонларча зўр бериб қилган ишлари натижасида халқнинг моддий турмуш даражасини оширишда катта муваффақиятларга эриша олди.

СССР билан Корея Халқ Демократик республикаси ўртасида кун сайин мустаҳкамланиб бораётган ва марксизм-ленинизм ҳамда пролетар интернационализми принципларига асосланган дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатлари, деб таъкидлаб ўтилади табрикномада, халқларимизнинг социализм ва коммунизм қурилишида муваффақиятларни қўлга киритишларига ёрдам бермоқда. Совет Иттифоқи корейс халқининг туб миллий проблемани ҳал этиш — мамлакатни демократик асосда тинч йўл билан бирлаштириш соҳасида зўр ғайрат билан қилаётган ишларини актив қўллаб-қувватлайди. КПСС, Совет ҳукумати, ватанимизнинг барча халқлари Америка қўшинларини Жанубий Кореядан дарҳол олиб чиқиб кетиш, АҚШ ва АҚШ гумашталарининг корейс халқи ишларига аралашувини тўхтатиш, корейс халқига ўз тақдирини ўзи ҳал этиш имкониятларини беришни изчиллик билан ёқлаб чиқмоқдалар.

(ТАСС).

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев республика партия активи йиғилишида сўзламоқда. Пастдаги суратда: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев кеча Ўзбекистон Компартияси ва ҳукумати раҳбарлари билан Урта Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози далаларида бўлди. Хўжаликда пахта терилмоқда. Ҳосилнинг бориши билан танишди, колхозчилар билан суҳбатлашди.

В. Сироткин фотолари.

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

8 сентябрда Тошкентда республика партия активи йиғилиши бўлди. Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, республика Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг раислари, республика министрликлари, идоралари, касаба союз ва комсомол органларининг, илғор саноат корхоналари, совхоз ва колхозларнинг раҳбарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети аппаратининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирок қилди.

Йиғилиш қатнашчилари «Ўзбекистон меҳнаткашларининг беш йилликнинг тугалловчи йилида олган социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлиги ва КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш тўғрисида»ги масалани муҳокама қилдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов халқ хўжалик планлари ва В. И. Ленин юбилейи шарафига олинган социалистик мажбуриятларни бажаришнинг асосий якунлари тўғрисида, шунингдек республика халқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари ҳақида актив йиғилишига маълумот берди.

Ўзбекистон саноати, деб таъкидлади ўртоқ Ш. Р. Рашидов, план топшириқларини муддатидан илгари бажармоқда. Саноат ишлаб чиқаришининг саккиз ойлик плани муддатидан илгари, 25 августда бажарилди. Шу давр ичида пландан ташқари неча ўн миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Кўмир, нефть, газ қазиб чиқариш, прокат, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва уларнинг запас қисмларини, шунингдек енгил саноат ва озиқ-овқат саноати бўлимларининг кўп турларини ишлаб чиқариш юзасидан берилган топшириқ анча ошириб ado этилди. Саноат ишларининг асосий техникавий иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланди.

Янги беш йилликда саноат соҳасида катта вазифаларни ҳал этиш керак. Республикада саноат ишлаб чиқариши ҳажмини бир ярим баровардан зиёд кўпайтириш мўлжалланади. Халқ хўжалигидаги техника тараққиётини белгилаб берувчи саноат тармоқлари айниқса тез суръатлар билан ривожлантирилди. Неча ўнлаб янги йирик саноат корхоналарини қуриш иўзда тутилади. Ана шу улуғвор вазифаларнинг амалга оширилиши республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини тез суръатлар билан ўстиришни таъминлаш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Ўзбекистон экономикасини ривожлантириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилаётганликлари туфайли республикада капитал қурилиш кенг кўламда олиб борилмоқда. Ҳозирги Ўзбекистон жуда катта қурилиш майдонига айланди. Бундан тўрт йил мукаддам зиладан катта зарар кўрган Тошкент шаҳри КПСС Марказий Комитети, СССР ҳукуматининг ва бепоён Ватанимиздаги барча қардош халқларнинг ёрдами билан тиклانибгина қолмай, балки янгидан барпо этилди. Тошкентликлар ва республиканинг барча меҳнаткашлари оғир дақиқаларда мадад берганликлари учун, оталарча ғамхўрлик қилганликлари учун, янги Тошкентни тиклаш ва қуришда жуда катта ёрдам берганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, СССР ҳукуматига чин кўнгилдан ташаккур изҳор қиладилар.

Қишлоқ меҳнаткашлари партия XXIII съездининг ва КПСС Марказий Комитети пленумларининг қарорларини бажара бориб, анча катта муваффақиятларга эришдилар. Дон, сабзавот, полиз экинлари, тамаки, пилла, қорақўл тери ва тухум сотиш юзасидан беш йиллик план — давлат топшириқлари муддатидан илгари бажарилди. Пахтачиликни ривожлантириш масалалари КПСС Марказий Комитети ва республика партия ташкилотининг доим диққат марказида турибди. Бу масалалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу йил январь ойида бўлиб ўтган XVII пленумида, шунингдек Марказий Комитетнинг XIX пленумида ҳар томонлама қараб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг якунларини батафсил муҳокама қилди.

Пахтачиликни ривожлантиришдаги ижобий натижаларни таъкидлаб ўтиш билан бирга, республика қишлоқ хўжалигининг ана шу асосий тармоғида ҳали камчиликлар ҳам борлигини эътиборга этиш керак. Ҳозирги вақтда бутун кучғайратимиз КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини бажаришга қаратилган бўлиб қишлоқ хўжалик маҳсулотининг барча турларини янада кўпроқ етиштириш чоралари кўрилмоқда.

Республика олимлари, адабиёт ва санъат арбоблари актив ижодий меҳнат билан банд. Ўз ҳамиша жонажон партиямиз билан, совет халқи билан бир ёқадан бош чиқариб, севикли социалистик Ватанни яшнатиш учун халқ баҳт-саодати йўлида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистон партия активининг бугунги йиғилиши, — деб уқтириб ўтади Ш. Р. Рашидов, — ғоят тўлқинлантирувчи муҳим воқеадир. Йиғилишнинг ишида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, халқимизнинг қизғин муҳаббатига сазовор бўлган Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев қатнашмоқда.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов йиғилиш қатнашчилари номидан, Ўзбекистоннинг барча коммунистлари ва республиканинг ҳамма меҳнаткашлари номидан ўртоқ Л. И. Брежневни сарқуёш ва меҳмондўст ўзбек диёрида самимий табриклади, республикага келганлиги учун, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма проблемаларини ҳал этишда оталарча ёрдам бераётганлиги учун унга самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусаҳонов, Сирдарё область ижроия комитетининг раиси К. А. Аҳмедов, Қорақўл район партия комитетининг биринчи секретари Д. Қурбонов, «Главташкентстрой» бошлиғи В. Н. Маркин, Янгиариқ районидаги «Ал-Хоразмий» совхозининг директори Н. В. Ким меҳнаткашларнинг КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришга тайёр эканликлари тўғрисида гапирдилар.

Республика партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев катта нутқ сўзлади

Ўртоқ Л. И. Брежнев Урта Осиё республикалари бўйлаб қилган сафаридан олган таассуроти ҳақида гапириб, бундай деди: Бу республикалардаги партия ташкилотлари ва барча меҳнаткашлар зўр ғайрат билан ва самарали ишламоқдалар. Олдимизда янги-янги вазифалар турибди. КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олмоқ учун бу вазифаларни ҳал этиш керак.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон Коммунистик партияси ва унинг Марказий Комитети халқни ленинча руҳда сиёсий тарбиялаш соҳасида, республикадаги иқтисодий ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш соҳасида катта ишлар қилаётганлигини таъкидлади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев мамлакатимизда пахта етиштириш соҳасида Ўзбекистон етакчи роль ўйнаётганлигини айтиб, республика партия ташкилоти, қишлоқ коммунистлари, республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари беш йилликнинг тугалловчи йили бўлган шу йилда давлатга пахта сотиш плакини бажарибгина қолмай, балки юксак мажбуриятларни ҳам анча ошириб бажариш учун ҳамма чораларни кўрадилар, деб ишонч билдирди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Тошкент шаҳрини тиклашга ёрдам бериш тўғрисидаги қарори жуда яхши амалга оширилганлигидан ғоят мамнун эканлигини айтди. Шаҳарни янгидан бунёд этиш натижалари кучли таассурот қолдирмоқда, Ўзбекистон пойтахтининг бугунги қиёфаси ғоят кўркамдир. Бу эса халқлар дўстлиги ленинча сиёсатининг ҳаётбахш кучини яққол исбот этади. Бизнинг партиямиз ана шу дўстлик сиёсатини оғишмай ва изчиллик билан амалга ошириб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ички ҳамда ташқи сиёсати тўғрисида, коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида совет кишилари олдида турган вазифалар ҳақида, жаҳон социализм системасини янада мустаҳкамлаш ва жипслаштириш учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун, ер юзида мустаҳкам тинчлик учун олиб борилаётган кураш тўғрисида Ўзбекистон партия активига батафсил сўзлаб берди.

Партия активи йиғилишининг қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқини зўр эътибор билан тингладилар. Унинг нутқи бир неча бор гулдурос ва давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов партия активи йиғилишини ёпиқ деб эълон қилар экан, Ўзбекистон партия ташкилотининг, барча меҳнаткашларнинг ишига юксак баҳо берганлиги учун Леонид Ильич Брежневга қизғин ташаккур изҳор этди ва партия Ленинчи Марказий Комитетини, Марказий Комитет Сиёсий бюросини ишонтириб айтдики, Ўзбекистон партия ташкилоти партия ва халқ олдидаги ўз бурчини шараф билан бажаради, ўз зиммасига юкланган вазифаларни муваффақиятли суратда ado этади. Юбилей йили планлари ва социалистик мажбуриятлар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ва барча кўрсаткичлар бўйича тўла ҳамда ошириб бажарилади, республика КПСС XXIV съездига муносиб меҳнат совғалари тайёрлайди.

(ЎзТАГ).

ПЛАН ТЎРТ КУНДА

ФАРҒОНА. [Телефон орқали]. Киров район «Москва» колхозининг Қурбонали Эргашев бошлиқ бригада аъзолари областда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини тўрт иш кунида бажардилар. Шайтонкўл массивидаги 36 гектар ернинг ҳар гектаридан 17 центнердан хирмон кўтарилди. Бригада ғалабасига областда биринчи бўлиб планни тўлдирган Маматохир Матазимов, Маматали Эргашев ўртоқлар бошлиқ звено аъзолари катта ҳисса қўшдилар.

Гектаридан 20 центнердан хирмон кўтарган бу иккала звено заршунослари эндиликда ҳосилдорликни 40-42 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Бригада шу кеча-кундузгача 60 минг 300 килограмм пахта топшириб, жами пландаги 60 тонна ўрнига 150 тонна пахта етказиб бериш учун курашмоқда.

А. ЭШОНОВ.

ДАНИЯЛИК МЕҲМОНЛАР

Дания радикаллар партияси раҳбар арбобларининг шу партия раиси С. Бьеррегорд бошчилигидаги группаси Ўзбекистонга қилган сафарини тамомлади.

Даниялик меҳмонлар жўнаб кетиш олдидан Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозини, республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар. Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари З. Исроилова меҳмонларни қабул қилди. (ЎзТАГ).

4.100.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлаш ва дефолиацияниг бориши тўғрисида 1970 йил 8 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда тайёрланган пахта	Жамъ бошидан буён тайёрланган пахта	Шу жумладан машинада терилган пахта	Дефолиация қилинган майдон (гектар ҳисобида)	Планнинг бажарилиш процента
Бухоро	2,68	19,87	3,11	49502	45,0
Қашқадарё	2,15	10,91	0,99	28308	54,4
Сурхондарё	1,06	5,90	0,06	23754	26,4
Фарғона	0,94	3,26	—	2128	1,8
Хоразм	0,91	3,17	—	13034	26,1
Андижон	0,76	2,56	—	2201	2,3
ҚҚ АССР	0,64	2,55	—	21417	21,4
Наманган	0,46	1,26	—	2871	4,4
Тошкент	0,22	0,40	—	43261	30,9
Сирдарё	0,09	0,30	—	49330	23,1
Самарқанд	0,15	0,23	—	1028	0,9
Республика бўйича:	0,85	4,21	0,26	236834	20,7
Шу жумладан, ингичка толали пахта:					
Сурхондарё	1,58	9,64			
Қашқадарё	1,23	5,15			
Бухоро	0,68	3,52			
Республика бўйича:	1,33	7,48			

ОЗОДЛИК КУНИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон пойтахти Болгарияда фашист диктатураси ағдариб ташланган кунининг 26 йиллигини болгар халқининг миллий байрами — Озодлик кунини тантанали вазиятда нишонлади. Тошкент шаҳри ва Тошкент области жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши ана шу шонли воқеага бағишланди. Йиғилиш қатнашчилари шаҳар марказида совет халқи билан мустаҳкам дўстлик шарафига катта мактаб биносини қураётган болгариялик бинокорларни самимий табрикладилар.

Тошкент область партия комитетининг секретари Б. А. Абдураззоқов Озодлик куни тўғрисида қилган докладида Болгария Халқ республикасининг социалистик қурилишда эришган муваффақиятлари ҳақида, СССР билан Болгария Халқ республикаси ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик тўғрисида гапирди. Б. А. Абдураззоқов областнинг барча меҳнаткашлари номидан болгариялик дўстларни умумхалқ байрами билан қизғин табриклади. Ўзбекистон пойтахтидаги мактаб қурилишининг бошлиғи Д. Г. Димитров Тошкент область меҳнаткашлари билан Хасково округи меҳнаткашлари ўртасидаги традицион нардошлик алоқалари тўғрисида гапирди.

Йиғилиш қатнашчилари якдиллик билан Софиядаги Болгария — Совет дўстлиги умумхалқ комитети номига табрикнома йўллардилар. (ЎзТАГ).

Ҳамид ҒУЛОМ

ТОШКЕНТ— БАХТ ШАҲРИ

Тошкентга боқсангиз кўндан тун чоғи,
Порлаб чироқларнинг миллиард мунчоғи,
Чамандай яшнайди шаҳрим қучоғи,
Нурдан яралгандай ҳар уй, ҳар гўша,
Донолар нақлидай тенгсиз томоша!
Тонгда учиб келса ҳаво кемаси,
Табиатнинг ўркач-ўркач теваси —
Заррин Қураманинг порлаб тепаси,
Қуйида бир бўстон кулиб туради,
Ҳаёт, ҳаракатга тўлиб туради.
Агар машинада кирсангиз унга,
Қўшилиб кетасиз бўюн тўлқинга,
Сўз ҳам тополмайсиз таъриф, талқинга,
Юракда қалқади фахру ҳаяжон:
Пайдо бўла қолди бу чирой қачон?
Янги хиёбонлар, янги боғлари.
Неон чироқларнинг оқ белбоғлари,
Наҳшларнинг тош гулдан тақинчоқлари,
Деворларда дўстлик рамзи — суратлар,
Санъатда маҳорат, парвоз, журъатлар!
Шаҳар кўкрагида мармар иморат,
Сидқу ихлос билан қурилган ғоят.
Мазмуни ҳам меҳру ишқдан иборат,
Ленин музейи деб аталур — қутлуғ,
Замона азмидай муҳташам, улуғ.
Ундан ўтаркансиз Қизил майдонга,
Тикилиб қоласиз сулув фонтанга,
Бир сурур ва роҳат киради жонга,
Лоларанг чашмага қараб тўймайсиз,
Шаҳар жамолини яна ўйлайсиз.
Ойнаванд бинолар қатор, мунтазам,
Уларда юртимнинг тўртов фасли жам,
Тўкин куз жилоси, олтин ёз, кўклам,
Ранглар мутаносиб, бўёқлар асил,
Кўзингиз, қалбингиз бўлади асир.
Шаҳрим юлдуз бўлса, қирралари бор:
Сергели, Оқтепа, Марказ, Чилонзор.
Яна қанча-қанча обод чаманзор,
Кўча — бир бош узум, қасрлар—ғужум,
Майдон, маҳаллалар чароғон, гавжум.
Қайдан келди бу нўрк? — Ўринли савол.
Халқ бўлса бахтиёр, озод, баркамол,
Меҳнати, шуҳрати бўлур безавол,
Ғиштлардан тузади ажиб гулдаста
Узи ўзи учун яратган уста! —
Таърифга сиғмайди ижод нашъаси,
Биллурга айланур оддий шишаси,
Муъжизалар ҳосил қилур тешаси,
Пўлат пайвандининг чоки метиндир,
Ўзидай иши ҳам пухта, бутундир,
Ҳали ёдимизда зилзила, офат,
Даҳшатдан тўкилган кўрку латофат,
Ота давлатимиз бериб кафолат,
Жондош Ватанимиз оёққа қалқди,
Қардошлар бир зумда Тошкентга оқди.
Тарих тарих бўлиб ҳали ҳеч қачон
Бундай муъжизани кўрмаган жаҳон:
Юз миллат елкама-елка, жонажон,
Бир сафда қўлма-қўл узатилиб ғишт,
Тўрт йилда тахт бўлди тўрт асрлик иш!
Аюҳаннос солсин ғанимлар, майли!
Кўршапалан кўрдир ёғду туфайли!
Мана, Тошкентимиз!
Мана, бахт сайли,
Халқлар бирлигидан мангу нишона!
Шарқнинг қоқосида эзгу кошона!
Инсонга кўз азиз — нурли кўзимсан,
Шоирга сўз азиз — ҳалол сўзимсан,
Меҳнатга туз азиз-тотли тузимсан,
Тонг юлдузи азиз — тонг юлдузимсан,
Тошкентлик бўламан, Тошкент — ўзимсан!
Не сўз билан айтай фахримни, дўстлар,
Шароб қилиб тутай наҳримни, дўстлар,
Зиёрат қилсангиз шаҳримни, дўстлар,
Қўлда гулим билан ҳавозасида,
Интизор кутаман дарвозасида.
Дўст қилди шарафли ленинча тузум,
Меҳринг кўзимдадир, қадрли русим!
Сенгадир юракдан биринчи сўзим,
Улуғ оғам сенсан, устозим сенсан,
Оламга йўл очган мумтозим сенсан.
Украин кардошим, ҳамфикр, ҳамдардман,
Урушда сен учун жанг қилган мардман,
Тупроғинг тупроғим; заррангда гардман,
Қон билан йўғрилган қардошлик сўнмас,
Томири мустаҳкам чинорлар сўлмас!
Белорус, сен билан бирга қурамиз,
Заминингда ётар Султон Жўрамиз.
Истиқболларда ҳам баҳам кўрамиз
Меҳнатни, шодликни, бахтни, курашни,
Бизлар ҳам севамиз Якуб Коласни!
Қозоқ, қирғиз, тожик — улкан халқларимиз,
Орзуни бир чўлда уққан халқларимиз,
Пахтани бир ерга эккан халқларимиз,
Уйимиз, тўйимиз, ўйимиз яқин,
Дутор, думбирамиз, куйимиз яқин.
Дўстларни соғиниш—чин дўстларга хос,
Туркманни соғинсам—муқаммал асос,
Амударемизга этаман қиёс:
Суви, балиғидан бирга баҳраманд,
Икки халқ севгиси абадий пайванд,
Бор бўл, муҳаббатнинг тимсоли, шаҳрим,
Сенда грузиннинг жамоли, шаҳрим,
Сенда озарбайжон камоли, шаҳрим,
Сенда Балтиқнинг ороиши бор,
Барча қардошларнинг меҳри устивор!
Тарих тарих бўлиб ҳали ҳеч қачон
Бундай муъжизани кўрмаган жаҳон:
Юз миллат елкама-елка, жонажон,
Бир сафда қўлма-қўл узатилиб ғишт,
Тўрт йилда тахт бўлди тўрт асрлик иш!
Шуни ўйларканман, қиламан хитоб:
Қайдан пайдо бўлди бу кўрк?
Нақд жавоб:
Зулматни парчалаб юксалган офтоб—
Ленин зиёсидан ва партиямиз —
Тенгсиз даҳосидан бу тарбиямиз!
Қардошлар, юртимга сафо келасиз,
Боғримга, ўтимга сафо келасиз,
Башар умидининг нурли саҳари,
Шарқда коммунизм гулгун шаҳри —
Обод Тошкентимга сафо келасиз!

7 сентябрь, 1970 йил.
Тошкент.

Электр пайвандчи Эргаш Ҳусанов Қарши машина каналининг 2-насос станцияси қурилишида ишламоқда. У иш топшириқларини ортиғи билан бажаради.

А. Тўраев фотоси.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга оширамиз

АҲДИМИЗ ҚАТЪИЙ

1970 йил 8 июлда районимиз меҳнаткашларининг республикамиздаги барча пахтакорларга қарата қабул қилган Мурожаати эълон қилинди. Унда пахтачиликни тараққий эттириш, дала ишларини комплекс механизациялаш, ялпи тоннани кўпайтириш, юбилей йилида ҳар бир хўжалик бўйича пахта тайёрлаш давлат плани ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш каби муҳим масалалар олга сурилган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети янгиариқликларнинг бу Мурожаатини мақуллаб қарор қабул қилди. Шундан кейинги ўтган фурсатда район партия комитети жойлардан Мурожаатимиз ҳақида жуда кўп хатлар олди. Бунинг учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, барча партия ташкилотларига, колхозлар ва совхозларга, қоларверса, бизга хат йўллаган ҳамкасб дўстларимизга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Партиямиз бугун айрим кишилар ёки коллективлар бошлаган ташаббус, яратган янгилик, қўлга киритган ғалаба эртага умум халқ мулкига айланади, деб таълим беради. **Районимиз меҳнаткашлари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигида гектаридан олинадиган пахта ҳосилини 40 центнерга кўтариш, она-Ватанга 80 минг тонна пахта етказиб бериш ташаббусини бошлаган эканлар, бу ватанпарварлик иш ҳамманинг мулкига айланиши, янгиянги қирқ центнерчи районлар, колхозлар, совхозлар бунёдга келиши муқаррардир.** Чунки шундай даврда яшаяпмизки, партия ва ҳукуматимиз янгилик кашф этиш, моддий бойликларни кўпайтириш жабҳасида жонбозлик кўрсатиб ишлаш, пирибадавлат ҳаёт кечириш учун ҳам шарт-шароитларни яратиб берди. Партия билан халқнинг бир фикр, бир маслакда бўлиши эса коммунистик қурилиш вазифаларини шараф билан бажаришнинг синалган омилидир.

Районимиз меҳнаткашларининг Мурожаати эълон қилингандан сўнг пахтадан юқори ҳосил етиштириш соҳасида қандай тадбирларни амалга ошириш зарур бўлса, ҳаммасини қилдик. 80 минг тонна Янгиариқ пахтаси учун кураш халқимиз ва партия ташкилотларимизнинг жанговар шиорига айланди. Билагида кучи бор кекса-ёш, ўсмир, хотин-эркак — ҳамма шу мақсад билан яшаб, меҳнат қилди. Кўп қийинчиликларни енгиб, зиммага олинган мажбуриятни тўла қоплайдиган даражада юқори ҳосил етиштирди. **Бугун сира чўчимасдан яна такрор айтамиз: ташаббускор Янгиариқ районининг меҳнаткашлари гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариб, она-Ватан ҳазинасига 80 минг тонна «оқ олтин» тўкадилар.**

Юқори ҳосил етиштириш — ишнинг бошланиши холос. Уни вақтида саранжом-сариштали олиш, давлатга юқори сорт билан етказиб бериш жуда оғир, аммо шарафли вазифадир. Бу партия ташкилотларидан ташкилотчилик ролини янада кучайтиришни, ишчи кучи, техника ва резервларни шу мақсад йўлига тўла сафарбар этишни, коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлашни, кенг меҳнаткашлар оммасини янги зафарларга чорлашни тақозо қилади. Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотларимиз бу шарафли вазифанинг уддасидан чиқадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети 1970 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва давлатга етказиб бериш тадбирлари белгиланган қарор қабул қилдилар. Бу пахта йиғим-терими даврида барча партия ташкилотлари, меҳнаткашлар оммаси учун жанговар программадир. Қарор районимиздаги 122 бошланғич партия ташкилотида муҳокама қилиб чиқилди, шу асосда йиғим-теримни ташкил қилиш юзасидан амалий чоралар кўрилди.

Район партия ташкилотлари ҳисобида 3200 га яқин коммунист бор. Шулардан 90 проценти этак боғлаб пахта теради ёки терим машинаси ўриндиғига ўтириб, рулни бошқаради. Салкам 10 минг ёш қиз-йигитлар комсомол ташкилотлари атрофига уюшган. Уларнинг деярли ҳаммаси бевосита далаларда жонбозлик кўрсатиб ишлаб, ўз меҳнати билан яратган бойлигини тезроқ териб олишда мардлик, жасорат намуналарини кўрсатади. Бу йил вақт шундай нозикки, бирор киши пахта теримидан четда турмайди. Район партия комитети кадрлар фаолиятига уларнинг ташкилотчилиги ва хирмонга ўйган пахтасига қараб баҳо беради, илғор теримчилар, механик-ҳайдовчиларни рағбатлантиради, ўз ишига совуққонлик билан қараган айрим кишилардан партиявий масъулият талаб қилади.

Бизда ишидан ибрат олса, ҳаёт намунасига ҳавас қилса арзийдиган коммунистлар ва партиясиз кишилар кўп, уларнинг сафи кенгайиб боряпти. «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг аъзолари Пошшохон Жуманиёзова, Раҳима Муҳаммедова, Киров номли колхоздан Тўхтахон Бобожонова, Оҳунбобоев номли колхоздан Ойхоним Шарипова, «1-Май» колхозидан Ойимжон Ниёзметова каби донгдор теримчилар ҳар йили 14-15 тоннадан пахта териб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. **Уларнинг ҳар бири юбилей йилида 16-18 тоннадан «оқ олтин» териб беришга ваъда қилдилар.**

Район партия комитети мана шу илғор теримчиларнинг иш методини бутун чоралар билан оммалаштиради. Колхозчи—деҳқонлар билан ўтказилган суҳбат шуни кўрсатдики, **юбилей йилида 3322 киши 10 минг килограммгача пахта теради. 1437 киши эса 12-15 тонналик маррани эгаллайди. Кўпминг килограммчи теримчилар сони бултургига нисбатан тенгма-тенг кўпаяди.** Бу — терим муддати қисқаради, иш унуми ортади, ҳосил чала қолдирилмай териб олинади, деган сўз. Биз теримчилар билан суҳбатлашганда улар серғайрат бўлиши, кунлик графикни ошириб бажариши, халқ, партия олдидаги бурчини тўла англаши зарурлигини уқтирдик. Сўзи билан иши бир бу кишилар мавсум давомида бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлайтиш деди. Партия ташкилотлари халқ оммасида бунёдга келган бу ташаббускорликка моҳирлик билан бош-қош бўлади.

Механизатор кадрларни доимо ҳурмат қиламиз, кадрлаймиз. Бунинг боиси бор. Механизаторлар йил ўн икки ой дала иши билан боғлиқ кишилардир. Улар ўз ишига онгли муносабатда бўлади, активлик кўрсатиб ишлайди, машинасини жанговар ҳолатда саклайди. Аслини олганда оғирмизни енгил, узоғимизни яқин қиладиган ҳам шулардир. **Районимиз бўйича 32 минг тонна пахтани «зангори кема»ларда териб олишни планлаштиргганимизда ана шу дала гвардиячиларининг фидокорлиги, сабот-матонатини кўзда тутдик.**

Механизаторларимиз теримга тайёргарлик даврида катта ишлар қилди. Уларнинг талаби билан гектаридан 40-45 центнердан ҳосил берадиган отизлар машина теримига ажратилди. Сўнгги кунларгача қатор ораларида универсал юргизиб, бегона ўтлар бутунлай қириб ташланди. Машиналарнинг бемалол айланиши учун эгат бошларидан майдончалар тайёрланди. **Механик-ҳайдовчиларимиз икки сменада ишлайди. Шунга яраша кадр ҳам, машина ҳам, ҳосил ҳам бор.**

12 минг гектар майдоннинг ҳосили машиналарда терилади. Шу мақсадга эришиш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Энди гал дефолиацияга келди. Ғўзамиз бироз кечки, июль ойининг ўрталарида каттагина майдондаги ғўзаларни дўл урди, ўша ерларга қайта чигит экилди. Лекин ҳосил чўғи кам бўлгани йўқ. Ҳар туп ғўзада 2-3 кўсак очилиши билан дефолиацияни бошлаймиз ва сўнгра терим машиналарини ишга соламиз. 410 терим машинаси, кўплаб кўсак терадиган ва чувийдиган агрегатлар тахт қилиб қўйилди. Заҳарли химикатлар келтирилган, самолётлар тайёр, қайси пайкалда қачон дефолиация ўтказилиши белгилаб чиқилган. 20 сентябрдан кечикмай ҳамма терим машиналарини пайкалларга туширамиз.

Тоғни урса талқон қиладиган 2225 механизатор кадримиз бор. Шундан салкам икки минги коммунист ва комсомоллардир. Биз механизатор деганда терим машиналарини бошқараётган кишиларнигина эмас, балки, пахтани вақтида заводлар ҳамда пунктларга етказиб бераётган шофёрлар, тележкачилар, дала бошида техника хизмати кўрсатаётган инженерлар, механиклар, токарлар, слесарлар ва бошқа касб эгаларини ҳам кўзда тутамиз, уларни ҳурмат қиламиз. Кадрларимизнинг ҳаммаси машина теримига шай, байроқча кўтарилишини кутиб турибди. Шунисси қувончлики, махсус мактаблар ва курсларда таълим олган 187 колхозчи механик-ҳайдовчилар сафидан жой олди, улар ўз устозлари билан ёнма-ён туриб ишлайди.

Бир кезларда «Хоразм шароитида ғўза ўсиб кетади, машинада пахта териб бўлмайди», деган ноўрин гаплар тарқалган эди. Районимиздан етишиб чиққан механик-ҳайдовчилар бундай беҳуда гапларга зарба берибгина қолмасдан, пахтачиликда машъал ҳисобланган областимиз ва районимиз машина теримида ҳам шундай фахрли ном эгаси бўлиши мумкинлигини амалда исбот этди. **Матёқуб Мадраҳимов, Жуманиёз Олланазаров каби ўнлаб механик-ҳайдовчиларимиз мавсумда 180-200 тоннадан пахта териб, эл хирмонига барака киритмоқдалар. Бу йил районимиз бўйича бир машинада 80 тоннадан кам пахта терадиган бирор киши бўлмайди. Илғор механизаторлар эса давлат омборига бункерлардан 230-250 тоннадан дурдона тўкадилар.**

Партиямизнинг XXIV съезди чақиришлиги ҳақидаги хушхабарни барча совет кишилари сингари янгиариқликлар ҳам зўр қониқиш билан кутиб олдилар. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун социалистик мусобақа бошланди. **Районимиздаги 299 пахтачилик бригадасидан 149 таси гектаридан олинадиган пахта ҳосилдорлигини 45-50 центнерга, 13 бригада эса 55-60 центнерга етказиш учун мусобақалашяпти.** Масалан, «Правда» колхозининг коммунист Қилич Давлатов бошлиқ бригадаси бултур 44 центнердан пахта хирмони кўтарган эди, бу йил 60 центнерлик маррани кўзлаяпти. Аваз Ўтар ўғли номли колхоздан Болтабой Қурбонов, «Коммунизм» колхозидан Ражаб Машарипов, «1 Май» колхозидан Сафо Ғойибов бошлиқ бўлган бригадаларнинг аъзолари ҳам 55-60 центнерли пахта хирмонига ғалаба байроғи тикиш учун курашмоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Юсупов раислик қилаётган «Москва» колхози меҳнат аҳли она-Ватанни гектаридан 45 центнердан «оқ олтин»и билан қувонтиришга аҳд қилган.

Район партия ва совет ташкилотлари пахта йиғим-терими даврида меҳнаткашлар орасида оммавий-сиёсий, ташкилий ишларни кучайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, далада ишлаётган кишиларга яхши маданий-маиший шароит яратиб беришга қаратилган тадбирлар белгилади. **Мақсадимиз — узоғи билан бир ярим ойда 80 минг тонналик Янгиариқ пахтасини Ватанга инъом этиб, партиямиз XXIV съездига муносиб совға тайёрлашдир.**

М. МАТКАРИМОВ,
Янгиариқ район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

УНВОНЛАР МУБОРАК

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЯНГИЙЎЛДАГИ «ЯНГИЙЎЛ» РАЙОН ГАЗЕТАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги вазифаларни бажариш учун кураш йўлидаги катта хизматларини назарда тутиб ва биринчи сони чиққанига 40 йил тўлиши муносабати билан «Янгийўл» район газетаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 8 сентябрь,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Н. А. ЗАВЬЯЛОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН АЛОҚА ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада алоқа воситаларини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун полковник Николай Алексеевич **Завьяловга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган алоқа ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 8 сентябрь,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. МУЗАФФАРОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН АГРОНОМ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳри паркларини кўкламзорлаштириш ва республика шаҳарлари учун кўкламзорлаштирувчи мутахассислар тайёрлаш соҳасида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Тошкент шаҳридаги Пушкин номли маданият ва истироҳат боғининг агрономи Ваққос **Музаффарова** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 8 сентябрь,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Матбуотда ва полиграфияда кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда Янгийўл районидаги «Янгийўл» газетасининг биринчи сони чиққан кунга 40 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ газета редактори Зокир **Қурт-назиров**, Янгийўл районидаги В. И. Ленин номли колхоз правлениеси-нинг секретари, газетанинг штатсиз мухбири Тошпўлат **Нишонбоев**, газета редакцияси хатлар ва оммавий ишлар бўлимининг мудири Зуҳра **Хайдарова** ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот давлат комитети 2-босмахонасининг линотипчиси Деҳқон **Хидирбоевлар** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Республика областларида картошка, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари ва узум тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1970 йил 7 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Биринчи устун — тайёрланган картошка (тонна ҳисобида); иккинчи устун—планнинг бажарилиш проценти; учинчи устун—тайёрланган сабзавот (тонна ҳисобида); тўртинчи устун—планнинг бажарилиш проценти; бешинчи устун—тайёрланган мева (тонна ҳисобида); олтинчи устун—планнинг бажарилиш проценти; еттинчи устун—тайёрланган полиз маҳсулотлари (тонна ҳисобида); саккизинчи устун—планнинг бажарилиш проценти; тўққизинчи устун—тайёрланган узум (тонна ҳисобида); ўнинчи устун—планнинг бажарилиш проценти.

Тошкент	19473	59,6	100273	50,1	21523	126,6	34839	52,8	5756	17,4
Сирдарё	243	24,3	4409	24,5	3822	95,6	86856	115,8	3985	23,4
Фарғона	5097	58,6	36653	73,3	5989	149,7	1387	15,4	1899	31,7
Наманган	1274	70,8	31720	99,1	4470	111,8	5061	72,3	2955	36,9
Андижон	711	142,2	33313	83,3	5728	143,2	4253	53,2	1552	31,0
Самарқанд	5592	50,8	57617	64,0	9029	117,3	4301	35,8	7676	20,7
Бухоро	8	—	14023	70,1	1427	142,7	10649	88,7	1674	18,6
Қашқадарё	500	50,0	15274	76,4	4054	101,4	3938	56,3	3809	47,6
Сурхондарё	1460	97,3	15111	100,7	1858	61,9	6871	98,2	2699	38,6
Хоразм	—	—	6397	58,2	356	118,7	5042	38,8	21	4,2
ҚҚ АССР	549	36,6	4378	39,8	671*	33,6	3673	26,2	40	8,0
Республика бўйича:	34907	58,2	319168	63,0	58927	115,5	166870	72,6	32066	24,5

*) Маълумот аниқланган.







Тошкентнинг ҳусн-жамоли борган сари гўзаллашиб бормоқда. Суратда: (чапдан ўнгга) Ўзбекистон Министрлар Совети, Тошкент Давлат университети ва «Россия» меҳмонхонаси биноларини кўриб турибсиз.

И. Глауберзон фотолари.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТ

Конъ...ларни очганда...

ГЎЗАЛЛИ...ЙРАМИ

Наманган шаҳар маданият ...ани томоша қилаётиб истироҳат боғида гуллар кўр... рафид иккинчисига: маси очилди. Боққа кириш... огган хафа бўлиб чиқа... билан ранг-баранг гуллар си... он бўлмаса керак. Чун... ўзига тортади. Гуллар оғуш... ар иши юрагига се... кезар экансиз, кўнглингиз ёри... ди завқлантиради, дил ...ди, байрам ташкилотчиларига о... ...зади, қалбига ором бе... рин айтасиз. Кўргазмага мак... еди ...ўқувчи ва ўқитувчилари, иш... ...ва гуллар байрами — гў... лар, медиклардан тортиб ҳа... йрамига қатнашган ки... кор гулчиларгача қатнашган. ...г дилидаги сўзни топиб ...лардан ясалган доҳиймиз В. И. Ленин портрети, турли гилам шакллар кўзни қамаштиради.

А. ИБРОҲИМОВ.

Газетхонлар ҳазаси

БУЗИ...ГАН ИСМ...ЛАР

Социалистик миллий ма...нг тобора тараққий эта борши кишиларимизнин...гуларига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шунин...ар бир ота-она фар... занд кутар экан, олдинда... қўйиладиган исмнинг чиройли, ярашган бўлишини...

Биз ўқитувчилар ҳам ўз... исми ва фамилияларини синф журналларига ўзбек... яси қоидаларига тўла риоя қилинган ҳолда тўғри ...ни ҳам ўз исмларини тўғри ёзишга ўргатамиз.

Маълумки, миллий респу...паспорт, аттестат, диплом каби ҳужжатлар икки тилда... Лекин кўпчилик паспорт столида ўтирган ўртоқ...тибор бермайдилар. Паспортнинг ҳар иккала томо... хилда нотўғри тўлдираверадилар. Қисман қиш...лдаги ва ЗАГС бюро...ларидаги ўртоқлар исмларни...аларнинг оғизларидан қандай эшитсалар, худди ўша... Фотиманн — Патма, Зуҳрани — Завра, Шер — Шермат, Муҳаммадни — Махмат, Фазилатни ва ҳоказо...

Юқоридаги сабаблар...ра кўр... маълумот ҳақидаги аттестат ва саккизинч...ани ҳақидаги гувоҳнома бланкаларида ҳам исм...лар нотўғри тўлдириладн.

Чунки маълумот ҳақидаги Узбекистон ССР Маориф министрлигининг махсуига асосан ҳар икки тилда қора сиёҳ (қора туш) бил...ўқувчинин... паспортига, паспорт бўлмаган тақдирлиш ҳақидаги гувоҳномага қараб тўлдирилиш...

Бу ҳужжатларни тўлдириш...ўл қўйган шахсларга нисбатан маъмурий чора кўр...нг учун ҳам аттестат бланкаларини тўлдиришга олдин асабларга яхши дам берилади. Лекин м... биринчи паспортни қўлингизга олишингиз билан Заврахон бўлиб турса, ноқулай бўлар экан. Шун... исмларни ўз қўлингиз билан бузиб ёзаётганлигинлингиз сиёҳ бўлади.

Бизнингча, Узбекистон Ст...лар министрлигидаги тегишли ўртоқлар Маориф милан биргаликда қишлоқ Советларининг секретарл бюроси ва паспорт столларида ишловчи ходимлариш ҳақидаги гувоҳнома ва паспорт бланкаларидиришни кўрсатувчи махсус қўлланма ишлаб чиқ... қўлланмага ўгил ва қиз болалар исмларинин ўзбе... тўғри ёзилишини кўрсатувчи луғатни илова қил... яхши иш бўлар эди.

Шундай қилинса, орзу-ҳавр...зандларига чиройли исм қўйган ота-оналарнин... ҳат ҳақидаги ҳужжатларни тўлдирувчи ўртоқларнилари бузилмаган бўлур эди.

М. ОРИПОВ,
Учқўрғон районидаги А. номли 57- ўрта мактаб илмий мудири.



Юқоридаги суратда: Нукус ...ув...чиси, Узбекистон ССР...да хизмат кўрсатган савдо ходими ...

Тахиатош гидроузели қурилиш...қилаётган С. Қурбонов бошлиқ монтажчилар бригадаси йил... 7 ноябрга ...ча бажариш учун курашишмоқда. Суратда: бри...н С. Қурбонов.

Р. САИДОВ фотолари.

- ГУЛЛАР КЎРГАЗМАСИ
- ЕРНИ ЯШНАТГАН БОБО
- АТТЕСТАТ ТЎЛДИРИЛАЁТГАНДА
- ЮЗАКИ ЖАВОБЛАР
- ҚИЛМИШИГА ЯРАША

ХАЛОСКОРЛАР

Утган йил оиламизда фалокат юз бериб, 6 ёшли қизимиз Мамлакатнинг қаёти хавф остида қолди. Унинг жаг суяклари синиб, юзига қараб бўлмайдиган аҳволга тушди Тўғрисини айтганда, қизимиздан умидимизни ҳам узган эдик. Қандай бўлмасин вақтни ўтказмай, беморнинг дардига даво излаш керак эди. Яхши ният билан Бухоро область касалхонасига бордик. У ердан бизни Тошкентдаги 17-шаҳар касалхонасига жўнатишди. Касалхона қошида республика врачлар малакасини ошириш институтининг стамотология кафедраси жойлашган бўлиб, унда тажрибали шифокорлар ишлашар экан. Қизимизни Тошкентга олиб келиб, янглишмаган эканмиз. Доцент Карим Сатторович Маликов, врач Фира Александровна Морголис каби қўли гул шифокорларнинг жонкуярлиги туфайли Мамлакатхон ҳеч нима кўрмагандек соғайиб кетди.

Яқинда стамотология бўлимида бўлганимизда операция ниҳоятда яхши амалга оширилиб, жароҳат тўла битиб кетганлиги аниқланди.

З. ЖЎРАЕВА,
Шофиркон район Тезгузар қишлоғидаги «Правда» мактаби директори.

ҲУНАРХОНА

Уч йил ўтгач, бу бинода ўқиётганлар қурувчилик ҳунарини эгаллаб чиқишади. Тошкент шаҳрида янги ишга туширилган бинога 63-ҳунар-техника билим юрти жойлашди. У ўрта маълумотли бинокор мутахассислар тайёрлаб беради.

Билим юрти биносида янги ўқув йили бошланишига бағишланган тантанада Узбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети раиси ўртоқ Х. З. Калонов қатнашди. У бўлажак мутахассисларга ўқишда, ҳунар ўрганишда янги муваффақиятлар тилади.

Ёруғ аудиториялар, устахоналар, спорт заллари, ётоқхоналар, ошхона ва бошқа бинолар ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилди. Бу ерда 1100 ўқувчи электр ва газ пайвандчилик, слесарлик, сантехник, конструкцияларни монтажлаш, дурадгорлик, ғишт теруючилик каби ҳунарларни қунт билан ўрганишга киришдилар.

МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

ИШДАН ОЛИНДИ

Редакцияга келган хатларнинг бирида Риштон районидаги «Правда» колхозида молия тартиби бузилаётгани хабар қилинган эди.

Хат юзасидан Фарғона область партия комитети текшириш ўтказган. Ҳақиқатан ҳам бригадир М. Қаҳҳоров 0,58 гектар жамоат ерига қовун эккан. Етиштирилган маҳсулотни колхозчи Раҳматуллаев бозорга олиб бориб сотган ва пулини бригадирга берган. Ушбу факт очиқ партия мажлисида муҳокама қилинган. М. Қаҳҳоровга қаттиқ ҳайфсан эълон қилиниб, бригадирликдан бўшатилган. У ўзлаштирган пулни эса колхоз кассасига қайтариб берган.

Риштон райкомининг бюроси «Правда» колхозининг раиси С. Ражабовни колхоз Уставн ва молия тартибининг бузилишига йўл қўйгани учун огоҳлантирди.

ОДДИЙ КИШИЛАРИМИЗ
МАРДОН БОБО

Мардон ака бу йил 60 ёшга тўлди. Энди қарилик пенсиясини олиб дам олиб ётса бўлади. Лекин у тиниб-тинчийдиганлардан эмас. Ахир 30 йилдирки Мардон ака бригадир бўлиб ишлаб келади. Мана унинг ҳаётидан бир лавҳа.

1960 йили 50 гектар қўриқ ер очишиб, уни ана шу ерга бригадир қилиб тайинлашди. Кекса пахтакор белни маҳкам боғлаб ишга киришди. Кўпчилик унинг бу ишини кўриб, «Мардон бобо қариганда қаҳрамон бўлмоқчи эмиш» ҳам дейишди. Бу гапларга парво ҳам қилмади. Фақат «давлатнинг хизмати, буюрса қиламиз-да» деб қўяверди. Ўша йили бир гектар ердан зўрга 17 центнер ҳосил олиниб план аранг бажарилди. Мардон бобо Чориев тушкунликка тушмади, балки бир ғайратига ўн ғайрат қўшилди. Мана орадан роппа-роса 10 йил ўтди. 50 гектар ер 85 гектарга етказилди. 17 центнер ҳосил 30 центнерга кўтарилди. Мардон бобо Чориев бу ютуқларни осонликча қўлга киритмади, албатта. У туну-кун тиним билмай ишлади. Ўз ёнига мутахассис ёшларни олди. «Йигитнинг зўри ер очади, овчининг зўри шер отади» дегани каби Мардон бобо ҳам янги ер очишни ўзининг севимли касби деб билди.

М. Чориевнинг бу олий ҳиммат ишларини партия ва ҳукуматимиз юксак қадрлади. 1965 йили «Урал» маркали мотоцикл, 1967 йили «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан ва доҳиймиз В. И. Ленининг 100 йиллик тўйи арафасида юбилей нишони билан тақдирланди. У бошчилик қилаётган бригада бу йил 120 гектар ерда мўл «оқ олтин» етиштирди.

Июль Пленуми қарорларидан ва янгиариқликлар ташаббусидан руҳланган кекса пахтакор М. Чориев бошлиқ бригада аъзоларининг иши фақат Жамбул номли колхозданна эмас, балки Бўка районида ҳам машҳурдир. Ҳозир бу пахтакорлар даласида бўлган киши ўн-ўн иккитадан кўсак таққан ғўзаларни кўриб балли азаматлар дейди. Бу шоввозларнинг бу йилги аҳди 120 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнер ҳосил кўтариш ва етиштирилган ҳосилнинг барчасини машиналар билан йиғиштириб олишдир.

С. ТЎЛАЕВ.

АРИЗАЛАР ВА ЖАВОБЛАР

Ҳар куни редакция почтасини очар эканмиз, турли мавзудаги хат ва хабарларни, ариза ва шикоятларни ўқиймиз. Меҳнаткашлар ўз хатларида кундалик янгиликларни хабар қиладилар, ўз режаларини, қувонларини ўртоқлашадилар. Кўпчилик хат-хабарларда шу кунларда республикамиз колхоз ва совхозларида, саноат корхоналарида, қурилиш объектларида КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги қиқоя қилинади.

Яна бошқа хатларда эса ишимиздаги камчиликлар, нуқсонлар очиб ташланади, уларни тугатиш ҳақида мулоҳазалар билдирилади. Бундай хатларнинг баъзилари газета саҳифасида ёритилмоқда. Ҳаммасини ёритиш учун эса газета саҳифалари етмаган бўлур эди.

Бироқ танқидий хабарлар, шикоят ва аризаларнинг бирортаси ҳам оқибатсиз қолдирилмайди. Ҳар бир шикоят ва ариза текшириш ва тегишли чора кўриш учун маҳаллий партия ва совет органларига, хўжалик ташкилотларига юборилади. Меҳнаткашларнинг хат ва аризалари туфайли жойларда йўл қўйилган камчиликлар ўз вақтида аниқланиб, бартараф этилмоқда.

Газетхон А. Иўлдошев Колес поселкаси кўчалари асфальт қилинмагани, бу ерда ёзда водопровод суви етишмаслиги ҳақида ёзган эди. Бу хат тегишли чора кўриш учун Тошкент область ижроия комитетига юборилган эди. Область ижроия комитети хат юзасидан текшириш ўтказганда, унда келтирилган фактлар тўғри бўлиб чиқди. Поселка аҳолисини сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қудуқ қазилди. Қўшимча равишда водопровод тармоқлари қуриш учун лойиҳасмета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Поселкани ободонлаштириш ишларига 1970 йил учун 16 минг сўм ажратилди

Бироқ шундай ташкилотлар ҳам борки, улар меҳнаткашларнинг редакция орқали юборилган шикоят ва аризаларига лоқайдлик билан қарадилар, масаланинг моҳиятини атрофлича текширишмай, хўжа кўрсинга, юзаки жавоб қайтарадилар.

Чилонзор районининг 4-кварталида турувчи кишилар қиш бошланмасдан олдин иссиқлик тармоғидаги камчиликни тузатишни сўраб 4-ўй-жой идораси раҳбарларига мурожаат қилганлар. Лекин уларнинг талаби оқибатсиз қолдирилган. Натижада қиш-қировли кунларда шу кварталдаги 16-ўй тўрт кун мобайнида иситилмаган.

Шикоят автори **А. С. Дубович** иссиқлик тармоғи ўз вақтида ремонт қилинганда бундай кўнгилсизлик бўлмаслигини ёзиб, меҳнаткашлар ариза...сига бефарқ қараган ўй-жой идораси раҳбарларини тартибга чакириб қўйишни сўраган эди.

А. С. Дубовичнинг хати Чилонзор район ижроия комитетига юборилди. Район ижрокомининг ўй-жой бошқармаси раҳбарлари эса, хатни синчиклаб ўқиб, моҳиятини тушунмай туриб, ҳақиқатан ҳам 16-ўй турт кун давомида иситилмаган деб жавоб қайтарганлар.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ободонлаштириш бош бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Ш. Исломов) ариза ва шикоятларга юзаки жавоб қилишда бундан ҳам ошиб тушди. Большевик кўчасида «Оқ олтин» деган проезд бор. Бу атрофдаги уйларнинг қурилганига 25 йилдан ҳам ошди. Бироқ кўчасининг бир томони ҳанузгача очилмаган. «Оқ олтин» проездида яшовчиларнинг бу ҳақдаги хати шаҳар ободончилик бош бошқармасига юборилган эди. Бошқарма раҳбарлари ариза нима ҳақдалигини ўқиб ўтирмай, ихтисослаштирилган нуй-эксплуатация трестига топширганлар. Мана, трестнинг жавоби:

«Оқ олтин» проездини ободонлаштириш ҳақидаги аризангизга жавобан ихтисослаштирилган нуй-эксплуатация тресть шуни маълум қиладики, мутлақо маблағ йўқлиги учун интимосингизни бу йил бажаришнинг имконияти йўқ.

Трест бош муҳандиси Староженко Э. Е.».

Меҳнаткашларнинг талаби қаёқда-ю, трестнинг жавоби қаёқда

Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига ўз вақтида қониқарли жавоб бериш ҳар бир муассаса ва ташкилотнинг бурчидир. Лекин баъзи ташкилотлар ариза ва шикоятларга мужмал, ноаниқ жавоб қайтарадилар Масалан, Каттақўрғон шаҳридаги Шчербаков кўчасида турувчилар водопровод суви билан таъминлашни яхшилашни сўраб редакцияга хат ёзган эдилар. Шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳакимов редакцияга бундай жавоб юборган:

«Шаҳар аҳолисини сув билан узлуксиз таъминлаш учун шаҳар «Водоканал»и томонидан яқин йилларда янги сув иншоотн қуриш кузда тугилмоқда».

Шаҳар аҳолиси сув билан қачон узлуксиз таъминланади? Уч йилдан кейинми ёки яқин беш-олти йил ичидами? Бундай жавоблар хат авторларини қониқтирмаслиги, қайта ариза ва шикоят ёзилишига сабаб бўлиши аён.

Редакцияга ариза ва шикоят билан мурожаат қилган ҳар бир киши муфассал, аниқ ва тўлиқ жавоб берилишини кутади. Ариза ва шикоятларни ҳал қилишга юзаки қараш ва «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида жавоб қайтариш ҳолларига хотима бериш керак.

ЕШЛАР ИЖОДИДАН

ПАХТА СЎЗИ

Эслолмайман: туғилдим қачон,
Балки буни билмайди тарих.
Табиатнинг ўзи-ку ҳайрон,
Фан ҳам менга беролмас таъриф.
Қовун каби кашф этилдимми,
Қайда ўсдим, недан олдим ранг. —
Тарихимни ва тақдиримни —
Барчасини деҳқондан сўранг.
Таржимаи ҳолимни фақат
Ўша деҳқон сўзлашга ҳақли.
Меҳри унинг юракда қат-қат,
Менга доя Ўшанинг аҳли!
Ҳа, у айтар, унинг қалбида
Хомиладек ётганим узоқ.
Асрагани ер ўз бағрида,
Чиқарганим дастлаб бир қулоқ.
Сўнг қуёшга бўлиб интизор,
Жалаларда қолиб кетганим
Ва экилиб такрору такрор,
Деҳқон билан қонлар ютганим.
Етганимда энди амалга —
Барглариимда бошланиб ҳазон,
Чалинганим турли касалга.
Гоҳ авж олиб, гоҳи ногирон.
Дардни кесар инсоннинг меҳри,
Гўзаллигим тикланди қайта,
Мен яшнарман, очилиб баҳрим,
Қўл сеҳрига шукр айта-айта.
Ғўларда ғарқ пишганда мева,
Чаноқларда тугилса ҳосил,
Деҳқон мени ардоқлар, севар,
Бўлган каби муроди ҳосил,
Юзларимдан олиб бўсалар.
Кўкрагига босиб суярлар.
Эркак-аёл, ёш-у кексалар,
Тоғдай хирмон ясаб уярлар.
Йўлга тушар беҳисоб карвон,
Халқ ғазнаси мунтазир йўлга.
Ҳанам кўрар, сўнг тарозибон
Ажратади қуруққа, ҳўлга...
Шунда билгум азизлигимни,
Далаларда тумонат одам.
Унутгайдир эл ўзлигини,
Элнинг меҳри менда мужассам.
Ҳа, яшайман, тупроқ юзида,
Ҳар соҳада, ҳар уйда борман.
Қорачигман ҳаёт кўзида,
Одамзотга ҳамиша ёрман...
Ҳаётдирки деҳқон деган от,
Мен ҳамроҳман унга абадий.
Ижодкорим мен учун қанот,
Ўзбекистон — пахтакор водий —
Яшнар экан, манглайим порлоқ,
Дилларга-ю йўлларга шайман.
Умрим боқий, умрим беадоқ,
Дунё тургунича яшайман!

Қ. КЕНЖАБОЕВ.

ХАТЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ЖАМОАТ МУЛКИ — МУҚАДДАС

«Марксизм» колхозида артель Устави бузилиптн, кадрлар жой-жойига қўйилмаган. Шу сабабларга кўра колхоз планни йил сайин бажара олмай, давлатдан қарздор бўлиб қоляпти.

Газетхонлардан олинган ушбу мазмундаги хат текшириш учун Қамаши район партия комитетига юборилди. Текшириш натижаси райком бюросида атрофлича муҳокама қилинган.

Колхоз Уставининг бузилишига йўл қўйганлиги, жамоат мулкини сақлашга жиддий эътибор бермаганлиги ва колхоз мутахассисларининг ўз ишига нисбатан жавобгарлигини ошириш соҳасида етарли иш қилмаганлиги учун правление раиси Назар Хидировга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган ва камчиликларни тезда бартараф этиш топширилган.

Ҳисоб-китоб ишларини талабга жавоб берарли даражада ташкил этмагани, бухгалтерия ходимларининг иши устидан қаттиқ назорат олиб бормагани учун бош бухгалтер Сафар Жумановга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган.

Райком бюроси колхоз партия ташкилоти умумий йиғилишининг ҳисоб-китоб ишларини тўғри олиб бормагани, келишувчиликка йўл қўйганлиги учун чорва бухгалтери Поён Очиловни, ўз вазифасига совуққонлик билан қарагани учун бош зоотехник Шоймардон Хайитовни, хўжалигининг иш фаолияти бўйича, айниқса, чорвачилик соҳасида тафтиш ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги учун колхоз тафтиш комиссиясининг раиси Мамат Холёровларни вазифасидан четлаштириш ҳақидаги қарорини тасдиқлади.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда етарли иш олиб бормаганлиги, колхоз правлениеси иши устидан назорат ўрнатмаганлиги, коммунистларнинг ишлаб чиқаришда ташаббускорлигини, етакчилигини таъминлашга эътибор бермагани учун бошланғич партия ташкилотининг секретари Узоқ Адолатовга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган.

Жамоат мулкини талон-торож қилган, колхозга моддий зарар етказган шахсларни қонун бўйича жазога тортиш район прокурорига топширилган.

СУД ЗАЛИДАН

ҚОТИЛ

Иўлдош Рамазонов болалигида отасининг чўптагидан пул ўғирлаб уйдан қочиб кетади ва ҳар ерда кун кечириб юради. 1957 йилда Челябинск областида боради. У ерда Хостемировлар хонадонига кириб, ҳеч ким йўқлиги, кўчада қолганидан қолийди. Хостемировлар оиласи одамийлик қилиб уни ўз бағрига олади. Иўлдош Хостемировнинг Нуржаҳон исмли қизига ўйланади.

1960 йили Иўлдош туғишган акаси Омонни излаб оиласи билан Шўрчи район Қумқўрғон поселкасига келади. Бу ерда қурилишда ишлай бошлайди. Акаси Омоннинг ўгай қизи Болтаева Бўрихолни кўргач, Нуржаҳонни ота-онасининг уйига қувиб юборади. Алдовлар билан Бўрихолга уйланиб олади.

Бир йил яноқ яшайдилар. Кейинчалик хотинини тутиб урадиган, ҳақоратлайдиган одди. Ҳақорат, калтакларга чидамаган Бўрихол шу йил 19 апрель куни онасининг уйига кетади.

Иўлдош 13 май куни хотинининг иш жойига, «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхози клубига пичоқ кўтариб боради. Уйга қайтмасанг ўлдираман, деб дўқ уради. Эрининг қилиқлари жонидан ўтган Бўрихол уйига қайтмайди. Иўлдош эртаси яна келиб, хотинига ташланади. Шу ерда ишлаётган Бўрихолнинг онаси Ўғилой қизини ҳимоя қилмоқчи бўлади. Иўлдош қайнонаси Ўғилойни пичоқлаб ўлдиради. Врачларнинг ёрдамида Бўрихолнинг ҳаёти сақлаб қолинади.

Сурхондарё область суди бу ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қотилни 15 йил муддатга, қамоқ жазосига ҳукм этди

Х. БОБОЖОНОВ.

Фотолавҳалар

Бағпошшо ЖУМАНИЕЗОВА ёш бўлса ҳам Урганч районидаги Охунбобоев номли колхозда чевар теримчи сифатида ном чиқарган.
И. Исмонлов фотоси.

ТОШКЕНТ абразив буюмлар комбинати коллективи ўртасида КПСС XXIV съезди шарафига социалистик мусобақа қизғин тус олди. Бу мусобақада коммунистлар пешқадамлик қилмоқдалар. Сиз суратда кўриб турган токарь Акбар Акрамов ана шундай илғорлардан биридир.

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати 2-йигирув фабрикасининг линтерчиси Нури Ғофурова меҳнатда илғорлардан қолишмайди.

ТОШКЕНТДАГИ газ аппаратлари заводи маҳсулотларини ҳар бир қишлоқда кўриш мумкин. Суратда: (чапдан ўнгга) мастер М. Котляр, слесарь А. Звонникова ва маҳсулот жойловчи Ҳ. Знёев янги газ плиталарини жўнатишга тайёрламоқдалар.
М. НУРИДДИНОВ фотолари.

ҚУВА район матлубот союзи ташкил этган мактаб-магазинни битирган ёшлар савдо соҳасида сидқидилдан ишламоқдалар. Момохон Аҳмадалиева ҳам шу мактабни битириб, ҳозир район марказидаги универмагда ишламоқда.
Г. Бойко фотоси. (ЎзТАГ).

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

БУГУН — БОЛГАРИЯ ФАШИСТЛАР ЗУЛМИДАН ХАЛОС БЎЛГАН КУНГА 26 ЙИЛ ТЎЛДИ

ЯНГИ ҲАЁТ МЕВАЛАРИ

Яқингинада социалистик революция ғалабасининг чорак асрини тантанали нишонлаган эдик. Шундан бери орадан бир йил утди. Байрам куни Болгария меҳнаткашлари буржуазияга ва монархия фашист режимига қарши кескин курашган жасур ватандошларини чуқур ҳурмат билан эсга оладилар. Ватанимиз тарихий тараққиётида эса муҳим бурилиш ясашда афсонавий жасорат кўрсатган совет баҳодирларига чин юракдан ташаккур изҳор этадилар.

Шу қутлуг байрамда халқимиз социализм қурилиши йўлида эришган ютуқларига назар ташлаб, ўтган йилги муваффақиятларни кўздан кечирганида янги туғумнинг шарофати яққол аён бўлади-қолади. Бугунги кунда булгуригдан анча кўп электр қуввати ҳосил қилинмоқда, пўлат, цемент, дон, ёғ кўп ишлаб чиқарилмоқда. Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ўтган йили 9 сентябрдаги юбилей ҳисобот докладида йилнинг охирида мамлакатда 15 миллиард 251 миллион киловатт электр энергияси ишлаб чиқарилажаги таъкидланган эди. Мўлжал кутилгандан ҳам аъло бўлди: ўтган йили 17 миллиард 200 миллион киловатт-соатдан зиёд электр қуввати ҳосил қилинди.

Янги Болгариянинг 26 йиллигини Коммунистик партия раҳбарлигида бешинчи бешъ йиллик план муваффақиятли ниҳоясига етказилаётган ажойиб дамларда нишонлаяпмиз. Миллий байрамимизни катта ғояларни ва режаларни амалга оширишга астойдил жазм этган ҳолда кутиб олаётирмиз. Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ўтган йили сентябрдаги юбилей пленуми республика меҳнаткашларини экономикани янада юксалтириш режалари билан қуроллантирди. Илмий-техника тараққиётини янада юксалтириш асосида корхоналар қайта жиҳозланмоқда, хўжаликка раҳбарлик методлари такомиллаштирилмоқда, шу тариқа маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаймоқда.

Партиямиз Марказий Комитетининг шу йил апрель ойида бўлиб ўтган пленуми қишлоқ хўжалик соҳасидаги вазифаларни белгилаб берди. Пленум қишлоқ хўжалигида социализм ҳал қилувчи ғалабаларга эришганлигини қайд қилди. Кооператив тузуми қишлоқларимизни юксак поғонага кўтарди. Хўжаликларнинг йириклаштирилиши, уларнинг техника базаси мустаҳкамланиши, ҳамма жойда илғор агротехниканинг қўлланилиши, деҳқонларнинг кўп йиллик яратувчилик меҳнати туфайли қишлоқларимиз тубдан ўзгарди. Апрель пленуми гигант агро-саноат комплексларини яратиш йўлларини белгилади. Яъни, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши янада концентрациялашиб, деҳқончилик ва чорвачилигимиз саноат асосида қурилади. Бу эса, қишлоқ хўжалик маҳсулоти кўпайиб, нархи арзонлашишига олиб келади. Агро-саноат комплекслари бутун экономикамизга, сиёсат ва маданиятга чуқур таъсир этиб, меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилашига шак-шубҳа йўқ.

Сентябрь революцияси мамлакатимиз тақдирида чуқур ўзгариш ясади. Бир вақтлари империалист йиртқичлар қўлида бамисоли ўйинчоқ бўлиб келган Болгария эндиликда эркин, мустақил республикага айланди. Болқонда ва бутун дунёда тинчлик бўлиши учун астойдил курашмоқда. Республикамиз халқаро миқёсда катта обрў қозонди. Халқ Болгарияси социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг Европа хавфсизлигини таъминлаш учун олиб бораётган курашига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бугун катта байрам танаси кунида халқимиз озодлик курашчиларини, шу жумладан бизнинг келажагимиз деб азиз жонларини қурбон қилган совет бирадарларимизнинг хотирасини чуқур ҳурмат билан тилга олади. Халқимизни фашизм қуллигидан халос қилган совет жангчиларининг жасорати асрлар оша яшайверади. Шу байрам кунларида халқимиз яна ва яна Советлар мамлакати меҳнаткашларига чуқур миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилади.

Илья КЮЛЬЕВСКИЙ,
болгар журналисти,
АПН.

Суратда. Болгариянинг машхур курорти — «Золотие пески» — Қора денгиз бўйидаги бу ороғоҳ жуда кўп сайёҳларни мафтун қилган. Централфото — ТАСС.

9 СЕНТЯБРЬ — КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КУН

ТАҚДИР ТАБАССУМИ

Газетада сурати чиққан аёл менга таниш. КХДР Олий халқ мажлиси депутати, «Кимсон» қишлоқ хўжалик кооперативининг раиси Чон Пхиль Нё машхур ёзувчи, Корея—Совет дўстлиги жамияти раиси Ли Ги Еннинг ҳужжатли қиссаси қаҳрамонидир.

Ёзувчи нима учун бу аёл образини яратишга қизиқдикин? «Халқ ҳокимияти ўрнатилгунга қадар бу аёлнинг ҳаёти кулфатга тўла эди, — дейди ёзувчи. — Унинг тақдири корейс аёлининг япон империализми мустамлакаси бўйинтуруғида чеккан азоб-уқубатларини эслатади. Бу аёл тўғрисидаги қисса ёшларни тарбиялашда муҳим восита бўлади деб ўйлайман».

Чон Пхиль Нё камбағал чоракор деҳқон оиласида туғилган. Саккиз яшарлигида ўн бир кишилик оилани қарзни вақтида тўлмаганлиги учун уйидан ҳайдаб чиқаришади. Шу-шу ғоҳ тиланчилик қилиб, ғоҳ иш излаб, амал-тақал турмуш кечиришди. Киз кўп йил тўқимачилик фабрикасида ишлади. Арзимаган ҳақ учун тонгдан-тунгача тиним билмай ишлади.

Мамлакатда халқ ҳокимияти ўрнатилган, унинг ҳаётида ёркин саҳифа бошланди. Социализм қуриш учун қаҳрамонона кураш йўлидан борди. Бу аёлнинг тақдири озод меҳнат ғалаби, ўз тақдирининг хўжайини деган юксак ҳис нималарга қодирлигини кўрсатиб турибди.

Бу аёлнинг номи бундан ўн йил муқаддам илк бор машхур бўлди. У қадимдан шоли етиштириладиган районда чорвачилик билан шуғулланиш ташаббускори бўлиб чиққан эди. Одамлар бу ерда чорвачиликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит йўқ деб ўйлашарди. Аммо Чон Пхиль Нё бунинг тескарисини, яъни ҳар қандай жойда, ҳар қандай шароитда чорвачиликни йўлга қўйиш мумкин, деган фикрни амалда исботлади.

Ҳозир бу фидокор аёл қишлоқ хўжалик кооперативига бошчилик қилмоқда. Эрта тонгданок уни деҳқонлар билан далада, иш устида учратасиз. Шунинг учун ҳам кишилар ҳазиллашиб, кооператив раиси ва Олий халқ мажлиси депутатининг қабулхонаси шолизорда дейишади.

Кооперативнинг иши яхши бормоқда. Бу йил гектаридан 70 центнердан шоли ҳосили олишмоқчи. Ёзувчининг ибораси билан айтганда, инсон бўлиб инсонлик ҳуқуқига эга бўлмаган бу аёлнинг порлоқ истиқболи кулиб боқди. Дарвоқе, биргина унинг тақдири шундай бўлмади. Ҳозир юз мингдан ортиқ корейс аёли мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаётида етакчи ва раҳбарлик ролини ўйнаяпти. 37 мингга яқин ҳотинқиз маҳаллий халқ комитетларининг депутатидир.

В. ПАРАФЕЕВ,
АПН мухбири.

СУДАН ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРОРИ

ХАРТУМ, 7 сентябрь. (ТАСС). Судан ҳукумати сигарета, сигара ва бошқа тамаки маҳсулотларини импорт қилишни тўхтатиш ва ғарбдаги бир қанча тамаки компаниялари бўлимларининг республика территориясидаги фаолиятини тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Хартум радиоси орқали эшиттирилган баёнотда айтилишича, Жанубий Африка республикаси бу компанияларнинг пайчиси бўлганлиги сабабли Судан ҳукумати шу қарорни қабул қилган.

ЮГОСЛАВИЯ — ТУРКИЯ АХБОРОТИ

БЕЛГРАД, 7 сентябрь. (ТАСС). Туркия Бош министри С. Демирелнинг Югославияда бўлиши тўғрисида Танюг агентлиги тарқатган ахборотда бундай дейилади: ҳукуматлар бошлиқларининг музокараларида мустамлакачиликнинг ҳамма қолдиқларини дарҳол тугатиш зарур эканлиги, самарали халқаро контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун бутун куч-ғайратни доим сарф қилиш зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Ахборотда айтилдики, ҳар иккала томон Германия Федератив Республикаси билан СССР ўртасида олиб борилган музокаралар муваффақиятли тамомланганидан мамнундир.

Ҳар иккала ҳукуматнинг бошлиқлари Ярингнинг миссияси Яқин шарқ можаросини тинч бартараф этиш ва Исроил қўшинларини босиб олинган территориялардан олиб чиқиб кетиш билан тугалланади, деб умид билдирдилар.

АФРИКА ОЗОДЛИГИ УЧУН КУРАШ АВАНГАРДИ

Бугунги кунда нисбатан тинч, хотиржам Африкага назар ташлар эканмиз, беихтиёр кўз ўнгимиздан оловли 1960 йилнинг ёз ойлари ўтади. Негаки, воқеаларга бой, унутилмас бу давр жаҳон халқлари тарихида, миннатдор африкаликлар ҳаётида озодлик йили бўлиб қолди. Шу кезларгача давом этаётган тобора чуқурлашиб бораётган умумқитъа, антиимпериалистик Африка революцияси 10 йил илгари, 1960 йилда ўзининг илк ғалабасидан бахраманд бўлди. Бир вақтлар гулдаб яшнаган, кейинчалик эса Лондон, Париж, Мадрид ва лиссабонлик зўравонлар амри билан тарих саҳифасидан ўчган Бенин, Улуғ Вулусия, Кано, Мали, Аксум ерлари устида озодлик қуёши балқди. Жаҳонга машхур Ахмад ал Ҳожи Самари Лабенгула Менлик I, Чака ва Абдул Кодир каби ҳуррият шайдоларини бағрида етиштирган «Сиёҳ танли она» (африкаликлар ўз юртини шундай деб атайдилар) ўша 1960 йилда ўзлигини намоён қилди. Ўша йилнинг биргина август ойида Юқори Вольта Республикаси, Чад Республикаси, Марказий Африка ва Конго (Браззавиль) республикалари мустақил суверен давлатлар деб эълон қилинди.

Юқорида биз эслаб ўтган даврдан буён роппа-роса 10 йил ўтди. Оқсоқ тарих учун бу жуда ҳам қисқа давр. Лекин бу йиллар одимлари қаддан ташқари тез XX аср иккинчи ярми воқеалари орасида ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки ўтган 10 йил нафақат Африкада, балки планетамизда миллий-озодлик, миллий-демократик ҳаракат учун оғир синов йиллари бўлди. Шу давр ичида Африка антиимпериалистик революцияси мустамлакачилик сиёсатининг тарихга, даврга тубдан зид эканлигини исботлади.

Бугунги Африка коммунистлари, қандай шароитда иш олиб бормасин, қанчалик қийинчилликка дуч келмасинлар, фаолиятлари улуғ Ленин билан боғлиқ эканликларини намойиш этмоқдалар. Африкалик коммунистлар ўзларини революция тақдири учун жавобгар деб сезгани ҳолда иш кўрмоқда. Марксча-ленинча партиялар ҳозирги кунда жуда қийин шароитда ишламоқдалар. Бу бир қанча иқтисодий-иқтисодий ва тарихий факторлар билан белгиланади.

Ҳозирги Африка мамлакатлари иқтисодий жиҳатдан дунёнинг деярли ҳамма районларидан орқада. Хўжалигининг бир-биридан фарқ қилувчи, баъзан қарама-қарши уқладларга бўлинганлиги, синфий бўлинишнинг ноаниқлиги, аҳолининг оғирида асрлар оша келаётган эскилик сақиртларининг турғунлиги, прогрессив ғояларга зид ўта реакцион традицияларнинг ва ғоявий оқимларнинг мавжудлиги ҳамда ёш давлатлар, кўплаб қабила ва элатлар ўртасидаги мустамлакачиликдан мерос қолган айрим низолар марксча-ленинча партияларга қўшимча қийинчиликлар туғдирмоқда. Шу қийинчиликларни бартараф қилиш чораларини ишлаб чиқишда айрим бир партия ичида ҳам ҳар хил, қарама-қарши қўналишлар вужудга келиши табиий бир ҳолдир. Кейинги йилларда ёш марксчи-ленинчи партиялар ичида илмий коммунизмга ёт бўлган ўнг ва сўл ревизионизмнинг кучайиши ҳоллари учради.

Лекин ёш Африка коммунистик ҳаракати ўзининг бирлик, интернационализм ва озодлик учун курашда ҳал қилувчи куч эканлигини доимо ёдида сақлаб келмоқда. Коммунистлар Африка революциясининг тақдири улар қўлида эканлигини биладилар. Фақат дунёда ягона илмий назария — илмий коммунизмгина бугунги курашчан Африкани озодлик йўлига олиб чиқиши ҳаммага маълум. Фикримизнинг исботи учун Африка коммунистларининг амалга оширган айрим ишларидан мисол келтириш мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, коммунистлар озодлик сари интилишда олдинда турган вазифаларига қараб курашнинг ҳар хил ўзига хос йўлларини танлашади. Масалан, Жанубий Африка ва Нигерия Федератив Республикаси коммунистларининг умумқитъа революциясига муносабатини кўрайлик.

Жанубий Африка коммунистлари қитъага хос бўлмаган, яъни тараққий қилган фашистлашган мамлакат масштабида иш олиб боради. Мамлакатнинг ҳукм сураётган фашистик режимки тўғатиш билан у Африкани батамом озод қилиш ишига бебаҳо ҳисса қўшган булади. Бу йўлда улар, қат оддий халқ оғасидаги с[illegible]ча революцион кучлар билан бирлашишдан манфаатдор. [illegible]герия ишчи-деҳқон социалистик партияси эса Африка революцияси муваффақияти [illegible] мунистларнинг бутун революцион кучлар ва прогресс[illegible] миллий демократик ре[illegible] раҳбарлари билан бирлаш[illegible]да деб биладиларки.

Африка коммунистлари [illegible]қа давр ичида кўпгина қи[illegible]чиликларга, ҳар хил аван[illegible]ристик гуруҳлар томони[illegible] уюштирилган ноҳақ тўх[illegible]ларга дуч келишди.

Мана шу кунларда, Афр[illegible] революциясининг 10 йиллик[illegible] боқлари ўрганилар экан, [illegible] бир миннатдор африкалик[illegible]ларининг чинакам авангар[illegible]лари бўлган коммунистлар [illegible]мини беихтиёр тилга ол[illegible]. Ҳозирча буюк қитъадаги б[illegible] революцияга коммунист[illegible] раҳбарлик қила олишган [illegible]йўқ. Аммо жаҳондаги рево[illegible]ция ҳаракат тажрибаси ш[illegible] кўрсатадики, бугунги рево[illegible]ция[illegible]нинг нотекис ва қийин [illegible]ларидан кетаётган Африка[illegible] келажаги коммунистлар [illegible]да. Бу улкан ишда қитъа [illegible]мунистлари айрим хатол[illegible]йўл қўйиши табиий. Нег[illegible] унинг социал таянчи бўл[illegible]ишчилар синфи жуда кам. [illegible]нинг устига у айрим нома[illegible]истик ғоялар таъсиридан [illegible]тилган эмас. Кўпчилик[illegible] коммунистик партиялар са[illegible]га киришига эластиниг, қаб[illegible]синнинг асрий традициялар[illegible] улуғлаш, қабила бошлиқ[illegible] ва коҳинлар шахсига сиғи[illegible] ва узоқ ўтмишини ниҳоя[illegible]тириш каби бир қатор р[illegible]ционодатлар жиддий ҳал[illegible] бермоқда. Илмий коммун[illegible] назариясининг классик[illegible] Маркс, Энгельс ва Ленин [illegible]тиларининг кучини уларнинг [illegible] эмас, балки ташқили[illegible] сиёсий жиҳатлигида кўриш[illegible]. Бу тарихда бир неча бор [illegible]ботланган ҳам. Шундай э[illegible] навқирон ва тобора жи[illegible]шаётган Африка коммуни[illegible] ҳаракатининг келажаги [illegible]лоқдир.

Т. ЖУРАЕ
тарих фанлари кандид

Тожли турна

ОВЧИ МУЗЕЙИДА

Республикамизда таниқли овчи Григорий Зиновьевич Кольцов яқинда Тошкент минераль суви атрофидан бир қуш тутиб келди.

— Қирқ беш йилдан бери овчилик қиламан. Лекин бундай нодир, гўзал қушни биринчи кўришим, — дейди Григорий Зиновьевич ҳайратда колиб.

Қушнинг боши, тумшуғи турнани эслатади, оппоқ қанотлари чағалайга қиёсли. Оёқлари турнанинг оёкларидек узун. Қушнинг ранги бўйнидан то думигача тўқсариқ, ялтираб турибди. Тумшуғи ҳалқа-ҳалқа бўлиб, ҳар бир ҳалқа ўзига хос рангга эга.

Қушнинг бикини яралган. Шунга қараганда у кўп қуш билан учиб келган ва тўдасидан адашиб қолган бўлса керак.

ТошДУ биология кафедраси олимларининг фикрича, бу нодир қуш турналар авлодидан бўлиб, ватани Ўрта Ер денгизи, Туркманистон ва Қозоғистон деб фараз қилинади.



Икки бошли илон

Овчининг катта ертўласида бир қанча илонлар юрибди. Бизни икки бошли илон қизиқтириб қолди.

— Бу икки бошли илонлар, — деб ҳикоя қила бошлади овчи, — беш-олти йил муқаддам Тошкент атрофида, Қорақум ва Қизилқум чўлларида кўп эди. Бу заҳарли илонлар кейинги вақтда жуда камайиб кетди. Мен бу илонни Келес атрофидаги қумлик жойдан ушлаб олдим.

Григорий Зиновьевич икки бошли илонни табиат музейига топшириш мақсадида яшикка солиб қўйган эди. Орадан тўққиз ой ўтиб, овчи яшигини очганда, қорни очиб аламзада бўлган илон эгасига сапчиди. Кетма-кет бир неча чумчуқ ва сичқонни ямлаб ютган икки бошли заҳарли илон ҳозир тинч ҳаёт кечираётир.

Ғалати қундуз

Ажойиб мўйна берадиган нутрий — қундузнинг асл ватани Америка бўлиб, 5-6 йилдан буён республикамизнинг Сирдарё областидаги хайвонот хўжалигида кўпайтирила бошланди. Улардан бир қанчаси ҳозир Григорий Зиновьевичнинг музейидан ўрин олди. Ҳар уч ойда болалайдиган қундуз яқинда 10 бола туғди. Қизиғи шундаки, қундузнинг болалари онасининг орқасига тармашиб озиқланишади.

Р. ИСХОҚОВ.

Ф. Лутфуллаев фотолари.

РЕКЛАМА ЬЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ. 18.25 — Прог
18.30 — «АҲБОРОТ» Ўзбек
да: 18.40 — Мультфильм,
Ялла, 19.45 — «АҲБОРОТ»,
КВА. 20.00 — Программа,
Янгиликлар. 20.15 — «Объ
21.00 — Янгиликлар. 21.05
циализм дунёси. 21.35 —
перт. 22.00 — «ВАКТ». 22.
Хоккей бўйича СССР бири
ги. ЦСКА (Москва) — «Го
(Горький).

ИККИНЧИ ПРОГРАММ
ТОШКЕНТ. 18.25 — Прог
Рус тилида: 18.30 — Мульт
18.50 — Техника тараққиёти
19.05 — Фильм-концерт. 19
КПСС Марказий Комитети
Пленуми қарорлари —
Ўзбек тилида. 20.00 — Р
20.10 — «Марғилон — ман
20.45 — Лирик куйлардан
церт. 21.25 — Тележурнал.
— «Айна» (Бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ. Рус тилида: 20
Телефильм. 20.35 — Фильм
церт. 21.30 — «Тирилиш»
ий фильмнинг 2-серияси).

ТЕАТ

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК Д
АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ
9/IX да тўй кунида, 10/IX д
сара.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК Д
АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ
9/IX да Парвона, 10/IX да
ланган умр.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРК
СОВЕТ ИТТИФОҚИ ВА БОЛ
ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ТО
ЛАРИ. Ургатилган арслонл
катта аттракциони. Ургату
РСФСРда хизмат кўрсатган
тист ВЛАДИМИР БОРИСОВ.
шалар кеч соат 8 да бошл
Шанба кунлари: кундуз со

а, якшанба кунлари: кун
12, 3 ва 8 да томошалар
лади).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА
илар қасоси — САНЪАТ
Л. «ЧАЙКА», «СПУТНИК»,
ИСТОН» «ВОСТОК», «МОС
ДГУЖБА» (кундуз ва кеч
ка — «ТОШКЕНТ СОВЕТИ
ИЙЛИГИ», «КОМСОМОЛ
ЛИГИ» (кундуз ва кечқу
ббат мавсуми — «ЎЗБЕ
25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва
ун).
да тош — НАВОИЙ номли
ва кечқурун).

• ЕЗГИ БИНОДА
соат 8.40 минут ва 10 да
бошланади)
ка — «ХИВА».

рдлов номли концерт
залида
9 СЕНТЯБРДА
екистон ССРда хизмат
тган артист
ОЛМАХОН
ХАЙИТОВА
иштирокида
М. ҚОРИЕҚУБОВ
ОМИДАГИ ЎЗБЕК
ВЛАТ ФИЛАРМО-
ЯСИ ВА ЭСТРАДА
РТИСТЛАРИНИНГ
АТТА КОНЦЕРТИ
Концерт кеч соат 8 да бош
ди.
летлар концерт залн кас
да кундуз соат 2 дан со
ди.

УКАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1971 ЙИЛ УЧУН
ПРАВДА»,
ОЦИАЛИСТИЧЕСКАЯ ИН-
ТРИЯ»,
ЗВЕСТИЯ»,
КОНОМИЧЕСКАЯ ГАЗЕТА»,
ЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ»,
ОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВ-
РУД»,
ИТЕРАТУРНАЯ ГАЗЕТА»
бошқа

МАРКАЗИЙ ГАЗЕТАЛАРГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

буна — «Союзпечать» агент-
лари ва алоқа бўлимларида
ул қилинади.

Узбекистон ССР Алоқа
Министрлиги «СОЮЗПЕ-
ЧАТЬ» бошқармаси.

ИГИТ ВА ҚИЗЛАР!

БИБЛИОТЕКА «КОМСОМОЛЬ-
СКОЙ ПРАВДЫ»,
ВОЖАТЫЙ»,
КОМСОМОЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ»,
МОЛОДАЯ ГВАРДИЯ»,
МОЛОДЕЖНАЯ ЭСТРАДА»,
МОЛОДОЙ КОММУНИСТ»,
СЕЛЬСКАЯ МОЛОДЕЖЬ»

ЖУРНАЛЛАРИ
ЗЛАР УЧУН НАШР
ҚИЛИНМОҚДА

журналларга обуна бў-
ги!

Узбекистон ССР Алоқа
министрлиги «СОЮЗПЕ-
ЧАТЬ» бошқармаси.

БУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1971 ЙИЛ УЧУН
«ВОПРОСЫ ИСТОРИИ КПСС»,
«АГИТАТОР».
«КОММУНИСТ».
«ПАРТИЙНАЯ ЖИЗНЬ»,
«ПОЛИТИЧЕСКОЕ САМООБ-
ЗОВАНИЕ».
«ПРОБЛЕМЫ МИРА И СО-
ЦИАЛИЗМА».

МАРКАЗИЙ ЖУРНАЛЛАРИГА

«ЎЗБЕКИСТОН АГИТАТОРИ»,
«АГИТАТОР УЗБЕКИСТАНА»,
«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИС-
Т»,
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТА-
Н».
«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»,
«ПАРТИЙНАЯ ЖИЗНЬ».

РЕСПУБЛИКА ЖУРНАЛЛАРИГА

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Узбекистон ССР Алоқа
министрлиги
«СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқарма-
си.

Редактор
М. ҚОРИЕВ

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 36. Редактор — 33-65-45. Редактор ўринбосарлари — 337914, 338323. Масъул секретарь — ўр[illegible] секретарь ўрин-босарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қу[illegible]. Транспорт — 331780. Совет қурилиши — 330258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан-маъ[illegible] ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 338553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректорлар — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 46-85. Бухоро 3-31-42. Қарши — 38-42. Нукус — 42-62, Самарқанд — 31-972. Термиз — 23-27. Урганч — [illegible]рғона — 4-29-44.

№ Г. — 210. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС Р. 02785.